

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАМАТОВА МАХСУДА НУРМАМАТОВНА

**ВИРТУАЛИСТИКАДА ПОСТНОКЛАССИК ЭПИСТЕМОЛОГИЯ
ҒОЯЛАРИ**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Нормаматова Махсуда Нурмаматовна

Виртуалистикада постноклассик эпистемология ғоялари.....3

Нормаматова Махсуда Нурмаматовна

Идеи постнеклассической эпистемологии в виртуалистике17

Normamatova Mahsuda NurमतamatoVna

Ideas of postnonclassical epistemology in virtual theory31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРМАМАТОВА МАХСУДА НУРМАМАТОВНА

**ВИРТУАЛИСТИКАДА ПОСТНОКЛАССИК ЭПИСТЕМОЛОГИЯ
ҒОЯЛАРИ**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қўшоқов Шухрат Солиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шермухаммедова Нигина Арслановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Саломова Ҳақима Юсуповна
фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат педагогика университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети хузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “ ” _____ куни соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@ samdu.uz Самарқанд Давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертацияси билан Самарқанд давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Б.О.Тураев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

О.М.Ғайбуллаев

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, доц.

С.Каримов

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборотлаштириш жараёнининг жадаллашуви “виртуалистика” деб аталган замонавий тадқиқот йўналишини юзага келтирди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида шакллана бошлаган виртуалистиканинг тушунча ва тамойиллари, тадқиқот усуллари ўзининг аниқ изоҳларини талаб эта бошлади. Шу сабабли фалсафада виртуалистик билимларни замонавий постноклассик фан фалсафаси нуқтаи назардан ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Бундай тадқиқотни олиб бориш жараёнида қўлга киритиладиган натижалар, фалсафий хулосалар ижтимоий ҳаёт, меҳнат ва таълим тизимларини виртуаллаштириш, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ қилишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда бугунги фалсафий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлиб келаётган виртуалистика ва унинг имкониятларини ҳозирги замон фан фалсафасининг гносеологик қонуниятлари асосида ўрганишга зарурат кучайиб бормоқда. Мазкур тадқиқотда ҳозирги даврда вужудга келаётган мураккаб илмий-концептуал муаммоларни ечишда, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, инсоннинг миллий ўзлигини англашида виртуал олам хусусиятларини эпистемологик нуқтаи назардан ўрганишнинг аҳамияти кўрсатиб берилди. Ушбу тадқиқот виртуалистика ҳодисасининг илмий моҳиятини, категориялари ва тамойилларини фалсафий изоҳлашга бағишланган.

Ўзбекистонда бугунги кунда жамиятни ахборотлаштириш, ахборот технологияларини ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш инсон фаолиятини ҳар тарафлама виртуаллаштириш, яъни инсоннинг виртуал реалликлар билан кенг миқёсда мулоқотга киришишига имконият яратди. Бу эса “виртуал реаллик” ва “виртуал борлик” муаммоларини, уларга доир тушунчалар ва тасаввурларни фалсафий таҳлил қилиш заруриятини туғдирди. Бундай ҳолатда жамиятнинг санъат ва маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан ва техника тизимларида, ахборот-ресурс соҳаларини виртуал-лаштириш ҳодисаси кучаяди, виртуал тизимлар қамрови кенгаяди. Бундай тизимлардан самарали фойдаланишда мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар жамиятнинг виртуаллашиш жараёнига интенсив киришиши-га оид лойиҳалар ва технологик режалар учун услубий асос ролини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги Фармони (07.02.2017) 2.2.бандининг “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштиришга оид¹, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07/02-08-сон «Маданий-маърифий ва тарғибот ишларини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси» (2017), ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида // расмий нашр // Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Тошкент: Адолат, 2017.

амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, иновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Виртуаллик феномени, унинг билиш ва амалиётда тутган ўрни масаласи кўп асрлар давомида файласуфлар диққат марказида бўлган. Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Николай Кузанский, Фома Аквинский, Д.Юм, И.Кант, Г.Гегель, А.Бергсон, А.Арто ва бошқа мутафаккирлар имконият, потенция, виртуаллик тушунчаларини, уларнинг назарий ва категориал мазмун-маъноларини классик ва ноклассик фалсафа доирасида таҳлил қилганлар.

Ўзида постноклассик тасаввурни мужассамлантирган виртуаллик эпистемологияси муаммолари виртуалистика фани вужудга келгандан кейин фалсафий тафаккур доирасига кирди, жиддий изланишлар предметиға айланди. Вирту-алистиканинг дастлабки тамал тошларини Россия олимлари Н.А.Носов ва О.И.Генисаретский қўйдилар.²

Ғарб илмий ва технологик марказларида “инсон – компьютер” ва интернет тизимларида ҳосил бўладиган виртуал реаллик, бу реаллик билан боғланиш ва алоқадорликдан келиб чиқадиган таъсирларнинг ижтимоий ва психологик оқибатларини ўрганишга урғу берилди³.

Виртуалистика фанининг ҳозирги босқичида тадқиқот объекти ва предмети, унга доир атамалар мажмуасини тузиш⁴, унинг институционал, тармоқлараро ва фалсафий ўрнини аниқлаш долзарб эпистемологик муаммо бўлиб турибди.

Виртуалистиканинг фалсафий муаммосига келсак, унда виртуаллик онтологияси ҳозирча кўпроқ ишланган соҳа ҳисобланади⁵. Виртуаллик эпистемологиясига оид тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда, лекин уларнинг кўпчилиги постноклассик эпистемология эмас, балки ноклассик характердаги гносеологик ёндашувлар ва тамойилларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда⁶.

Шуни таъкидлаш жоизки, виртуалликни билишда, ҳамда фан объектини ажратиб олиш ва тавсифлаш жараёнида П.Фейерабэнд ишлаб чиққан

¹ Носов Н.А., Генисаретский О.И. Виртуальные состояния в деятельности человека-оператора // Труды ГосНИИ гражданской авиации. Авиационная эргономика и подготовка летного состава. Вып. 253. -М.,1986. – С.147-155; Носов Н.А. Манифест виртуалистики // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 15-М.: Путь, 2000.

² Helm Michel. The Metaphysics of virtual reality // Virtual reality, practical and promise. Westport and London. 1991.- P. 27-33; Hammet F. Virtual reality and the exploration of cyberspace. Carmel Indiana Sams Publishing N.Y. 1993; Schrosder R. Possibl worlds. The social west view Press, 1996-203 P; Turkle. Sh.Parallel Lives: working on identity in virtual specs// Constricting the sele in a mediate world: inquiries in social constriction. Sh. Turkle. N. 1996. P.154-175.

³ Носов Н.А.Словарь виртуальных терминов // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 7. –М.: Путь, 2000. – С.69;

⁴ Бытие: коллективная монография. -Уфа, 2001. –С. 130-152; Нурулин Р.А. Виртуальность как основание бытия. Казань: Изд-во КГУ, 2004. –С. 336; Севальников А.Ю. Онтологические аспекты виртуальной реальности // Виртуалистика: экзистенциальные и эпистемологические аспекты. – М., 2004. –С.237. Тураев Б.О. Философия бытия (онтология) // Основы философии. Ташкент: Узбекистан, 1998. –С 232.

⁵ Грязнова Е.В. Виртуальная реальность: анализ смысловых элементов понятия //Философские науки. 2005. №2. -С. 125-143; Корсунцев И.Г.Субъект и виртуальная реальность.М., 1998; Розин В.М. Виртуальная реальность как норма современного дискурса // Виртуальная реальность. Философские и психологических проблемы. М.: 1997.

постноклассик тамойил – пролиферация тамойилини¹ тасдиқлайдиган эпистемологик ҳолат вужудга келди. Бу ҳолатнинг мазмуни шундан иборатки, виртуалистика фани виртуалистик йўналиш, таълимотлар доирасида занжирли бифуркацион (полифуркацион) тармоқланишни эслатадиган билиш объектларини очиш, уларни тавсифлаш ва ўрганиш амалга ошмоқда.

Охириги 10-15 йилларда Ўзбекистон фалсафасида постноклассик фалсафа ва фанлар парадигмаси, эпистемология ҳамда методология муаммолари бўйича жиддий изланишлар амалга оширилди. Глобалистика, универсал эволюционизм, синергетика, кўп маъноли мантиқ, фрактал геометрия ва бошқа постноклассик илмий йўналишларнинг фалсафий муаммолари чуқур ўрганилмоқда, уларга бағишланган илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Бу соҳада амалга оширадиган тадқиқотларнинг истиқболи катта.

Эпистемологиянинг ижтимоий-маданий ва фалсафий-методологик муаммолари ва уларда виртуалликнинг намоён бўлиш жараёнлари Ўзбекистонда О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Ш.С.Қушоқов, Н.А.Шермухаммедова, Б.О.Тураев, Б.Р.Каримов ва бошқалар томонидан ўрганилган, уларнинг асарларида виртуалистиканинг ижтимоий-тарихий, фалсафий, эпистемологик ва методологик жиҳатлари таҳлил қилинган.

Мустақиллик йилларида фалсафамизда жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда постноклассик фанлар фалсафаси, эпистемологияси ва методологиясига қизиқиш кучайди. Бу эса, ўз навбатида эпистемологияда виртуаллик муаммоларига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – виртуалистикада постноклассик эпистемологик ғояларнинг моҳияти, онтологик ва гносеологик жиҳатларини фалсафий рефлексия воситасида ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

виртуалистик билим рефлексиясини, унга доир тушунчалар, ғоялар ва тамойилларни эпистемологик жиҳатдан асослаш;

виртуалистиканинг диахроник эволюцияси ва эпистемологиясининг фалсафий моҳиятини тадқиқ этиш;

классик, ноклассик ва постноклассик эпистемологияда виртуаллик тушунчасини таҳлил қилиш хусусиятлари ҳамда фан тараққиётида виртуаллик муаммосини ўрганишининг роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

виртуалистик билимнинг моҳияти ва унинг илмий билишга таъсирини таҳлил этиш;

¹ **пролиферация тамойили** – пролиферация (лот. *proles*—авлоди ва *fero*— ташийман) фалсафада Фейера-бенд томонидан илгари сурилган бўлиб у бир-бири билан рақобатлашувчи янги назарияларнинг бир-биридан ўсиб чиқиши, кўпайиб кетиши жараёнини акс эттиради. – М.Н.

эпистемологик тадқиқотда виртуалистик ғояларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ундаги ғоявий ворисликни аниқлаш;

илмий билишда виртуалликнинг фалсафий, методологик ва эвристик истиқболи хусусида концептуал ва прогностик умумлаштиришни амалга ошириш;

руҳият, тафаккур ва онгнинг виртуалистик талқинини бериш;

илмий ижодиёт концепциясини виртуалистик ёндашув нуқтаи назаридан эвристик ва конструктив асосда такомиллаштириш, ижодиётнинг эпистемологик, эвристик жиҳатларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти илмий билишда виртуаллик ва виртуал билим.

Тадқиқотнинг предмети виртуалистик тушунчалар, ғоялар ва тамойилларнинг постноклассик эпистемологияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда танқидий-рефлексив ёндашув, объективлик, инновацион ёндашув, анализ ва синтез, аналогия ва қиёслаш, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, синергетик таҳлил, тизимли ёндашув каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг миллий ўзлигини англаши, уларга ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини сингдириш, тарихий хотирасини уйғотишда виртуал ахборот воситалардан фойдаланишга оид тавсиялар ҳамда виртуал образ, виртуал модель, констант реаллик сингари виртуалистик тушунчаларнинг мазмунини очувчи дефинитив (таърифловчи) қоидалар ишлаб чиқилган;

ёшларнинг маънавий оламини бойитишда, уларга миллий ғоя ва мафкура асосларини, инновацион ғояларни сингдиришда виртуалистик технологиядан фойдаланишнинг интернет, телемулоқот, интерфаол дарс сингари самарали усуллари асосланган ва уларни амалга оширишга оид методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

виртуал кутубхоналардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширувчи адекватлилик, образлилик, эмоционаллик сингари виртуалистик усуллар (китоблар виртуал жавонда сақланиши, қидирув системасининг мавжудлиги, виртуал каталогнинг қулайлиги) такомиллаштирилган;

эпистемология устида фалсафий рефлексия (танқидий ёндашув, қайта кўриб чиқиш, аксиологик баҳо бериш, анъанавийлик ва янгиланишда ғоявий ворислик механизминини таҳлил қилиш) амалга оширилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

виртуал музей ташкил этишда виртуалистика ҳодисасидан фойдаланиш имкониятлари (туризм тараққиёти мисолида) асослаб берилган;

постноклассик фан фалсафаси парадигмаси таркибига кирувчи (виртуал образ, виртуал модель, виртуал креативлик, виртуал семантика, констант реаллик сингари) тушунча ва ғояларнинг фалсафий таҳлили амалга оширилган;

виртуал ахборотни узатиш ва қабул қилишда информациянинг инсонлар ҳаётидаги ўрни ҳамда самарадорлиги илмий асосланган;

эпистемология ва виртуалистика фанлараро метаназарий феномен эканлиги асосланган;

виртуаллик эпистемологиясининг ўзига хос хусусият ва сифатларини такомиллаштириш ва келажакдаги истиқболларга эришишни таъминлаш, таълим жараёнида виртуалистик ёндашув воситаларни қўллаш истиқболлари илмий асосланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган воситалар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар, расмий манбалардан олингани, ўтказилган тадқиқотларнинг мантиқийлик, анализ ва синтезга таяниб, фалсафий-тарихий, назарий, эмпирик ва экспериментал фактларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар ва муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, унинг хулосалари виртуалистикани эпистемологик тадқиқ қилиш асосида янгича илмий дунёқарашни шакллантиради. Илмий ишнинг натижалари ва материаллари жамиятни виртуаллаштиришнинг назарий-концептуал асосларини кенгроқ таҳлил этиш имкониятини яратади.

Тадқиқот хулосаларидан Республикамиз олимлари ва мутахассислари-нинг илмий билиш методологияси, эпистемология ҳамда билиш ва амалиётни виртуаллаштириш, виртуал билим даражаси, ижодий фикрлаш салоҳиятини такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Виртуалистикада постноклассик эпистемология ғояларини тадқиқ қилиш асосида:

ёшларнинг миллий ўзлигини англашида, уларга ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини сингдиришда, тарихий хотирасини уйғотишда виртуал ахборот воситалардан фойдаланиш борасида олиб борилаётган бир қанча амалий ишлар “Ёшлар иттифоқи” фаолияти доирасида тадқиқотнинг амалий натижаларидан эркин тафаккур тарзини шакллантиришга бағишланган тадбирларда фойдаланилди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят кенгаши 02-10/56-сон далолатномаси, (2017)). Бу баркамол авлодни тарбиялаш борасида ишларнинг режасига киритилган бўлиб, у мустақил тафаккур юритиш жараёнида ёшларимизга виртуал оламдан фойдаланишда танқидий ёндашув малакалари ҳамда шахсий фикрини ифодалашда илмий назарий асос бўлиб хизмат қилган;

ёшларнинг маънавий оламини бойитишда, уларга, миллий ғоя ва мафкура асосларини, ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда виртуалистик технологиядан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари интерфаол машғулотлар ташкил этиш жараёнида компьютер технологияларининг виртуалистик имкониятларидан фойдаланиш самарадорлиги илмий асосланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 22.03.2016/89.03-744 маълумотномаси). “Илмий тадқиқот методологияси”, “Фалсафа” каби фанларда ва лаборатория машғулотларида, ишчи ўқув дастурлари, ўқув-услугий мажмуалар тузишда ушбу диссертациядаги виртуалистик ёндашувга оид таклифлар ўқув ишланмалари учун илмий асос бўлмокда;

ушбу тадқиқот хулосаларидан виртуал кутубхоналардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширувчи адекватлилик, образлилик, эмоционаллик сингари виртуалистик усуллардан такомиллаштирилган виртуал кутубхоналарнинг илмий ва эпистемологик асосларини, виртуал кутубхона афзалликларини кўрсатишда фойдаланилган (Самарқад вилоят ахборот-кутубхона маркази 2016 йил 15 майдаги 01-09/48-сон далолатномаси, ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2016 йил 15 ноябр 33-8\6232 маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг марказ иш режасига киритилиши китобларни виртуал жавонларда сақлаш, интернетга кутубхонадаги китобларни жойлаштиришда, китобхонга бир мунча енгилликлар келтиришда самарали натижа бермоқда;

виртуал музей ташкил этишда виртуалистика ҳодисасида фойдаланиш имкониятлари асосида хорижий фуқароларининг мамлакатимиз тарихи ва ҳозирги куни тўғрисида маълумотларга эга бўлишида виртуал музей фаолиятини кенгайтириш, ушбу музейлар орқали туризмни такомиллаштириш асосида Мирзо Улуғбек музейи мажмуаси ҳамда Афросиёб музейида виртуал музейларни такомиллаштиришда мазкур диссертациянинг ишланмаларидан илмий ва назарий даражада фойдаланилган ва амалиётга тадбиқ этилган (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 25 майдаги 1067-03-сон хати). Мазкур тадқиқот натижаларига оид таклиф ва тавсиялар 2016-2019 йилларга мўлжалланган маданий-маърифий, илмий-адабий ва тарғибот ишларининг иш дастурларига киритилганлиги виртуалистика тўғрисида илк қарашлар ва ривожланиш босқичларининг ёшлар маънавий дунёқарашининг кенгайтишига, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзуси бўйича асосий ҳолатлар ва натижалар 4 та халқаро, 4 та минтақавий, 23 та республика илмий-назарий конференция ва семинарларида баён этилган, муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 22 та мақола республика ва 3та – хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологияси ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Билиш эпистемологиясида постноклассик ғоялар”** деб аталган биринчи бобида эпистемологияда парадигмал янгиланиш масалалари, тадқиқотга рефлексив ёндашувнинг хусусиятлари диахроник ёндашув нуктаи назаридан кўриб чиқилган.

Билиш эпистемологиянинг кўп қиррали муаммоларини синхрония ва диахрония ёндашувлари асосида тадқиқ қилиш муҳим эвристик натижаларни кўлга киритиш имкониятини беради. Синхрония тамойилига асосланганда эпистемологик қарашлар маълум давр ёки замон чегарасида таҳлил қилинади. Бунда, XX асрда ҳукм сурган эпистемологик йўналишлар ва концепциялар тадқиқот предметига айланади.

Айтиш мумкинки, билишнинг моҳияти, ички структураси ва намоён бўлиши ҳақидаги эпистемологик ғоялар қадимги Юнон маънавиятининг назарий-концептуал жабҳасида, ҳатто ундан ҳам илгари, шарқда вужудга келган.

Эпистемологияда ўзининг тарихий тараққиёт интенциясига оид қарашлар, таълимотлар ва ёндашувлар ўзларига хос изланиш предмети ва стратегиясига эга бўлади. Хусусан, Гераклит эпистемологиясида билимдаги ягоналик ва кўпхиллик диалектикаси масаласининг қўйилиши фалсафий билимлар дифференциациясига олиб борадиган биринчи интенциясига қадам бўлди.

Сукрот фалсафасида эпистемология инсон муаммоси рефлексияси таъсирида ички динамик концептуал ҳаракатга келди, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши, улардаги яққалик ва умумийликни муҳокама қилиш антик назарий тафаккурга инновацион хусусият берди.

Аристотель эпистемологиясида билиш фаолиятида ҳал қилинадиган норматив талаблар мантиқан тартиблаштирилди ва умумлаштирилди, назарий билишнинг модели, бошқача қилиб айтганда, ўзига хос анатомияси ишлаб чиқилди, билиш предмети ва тадқиқотдаги назарий-ғоявий ворислик тавсифланади. Мазкур ёндашув асосида Аристотель виртуаллик эпистемологиясига доир масалаларни фалсафий рефлексия даражасига олиб чиқди.

Аристотель яратган ва рационал-мантиқий кўринишга эга бўлган эпистемологик парадигмада дедуктив хулоса чиқариш устувор бўлгани боис, Ренессанс ва Янги замонда бу парадигма қайта кўриб чиқилди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг қарашларида ҳам ўзига хос виртуалликнинг эпистемологик жиҳатлари намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Хусусан, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Имом Бухорий, Мотурудий, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий ва тасаввуф алломалари ижодида, айниқса, уларнинг илоҳиётни таҳлил этишида яққол кўзга ташланади.

Фалсафа ва фанда янги замон эпистемологиясининг шаклланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иккита параллел гносеологик жараён содир бўлди: 1) фалсафада интеллектуал анъана кучига эга бўлган имконият ва воқелик

категорияларини тадқиқ қилиш; 2) фанда тасодифий ходисаларни тадқиқ қилишга ўтиш. Бу кейинчалик виртуал объект ва жараёнлар оламини англаш имкониятини берадиган ҳақиқий эвристик қадам бўлди.

Қайд қилинган ютуқлар ноклассик эпистемология парадигмасини инкирозга тушишдан сақлай олмади. Назарий-ғоявий ва методологик инкирознинг кучайишига олиб келган омилларидан бири Поппер эпистемологияси, ундаги демаркация ва фалсификация тамойиллари бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ноклассик ва постноклассик билиш эпистемологиясининг шаклланиши XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб вужудга келган умумилмий виртуаллик муаммосининг эпистемологик жиҳатларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган категориал ва концептуал тузилмаларни ишлаб чиқиш учун маълум асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг «Виртуалистикада назарий ғоялар ва ёндашувлар: тарихий-эпистемологик таҳлил» деб аталган иккинчи бобида постноклассик эпистемологиянинг вужудга келиши ва виртуаллик: хусусияти, структураси ва функцияларининг таҳлили берилган.

Постноклассик фалсафанинг вужудга келиши билан бир қаторда унинг таркибий қисмларида ҳам жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлди. Шулардан бири постноклассик эпистемологиянинг шаклланиши ҳисобланади. Бу эпистемологияни ишлаб чиқишда Поппер, Тулмин, Агасси, И.Лакатос, Фейерабенд ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Постноклассик эпистемологияга диахроник (эволюцион) ҳислат берадиган концептуал ғоялар С.Тулмин томонидан ишлаб чиқилди. Хусусан, у ишлаб чиққан фаннинг эволюционистик таълимоти «оқилона фаоллик», «концептуал танлаш», «тушуниш матричаси», «интеллектуал экология» каби парадигмал тушунчаларда ўз аксини топган.

Постноклассик эпистемологиянинг тизимли парадигма модели И.Лакатос томонидан ишлаб чиқилган. У ишлаб чиққан илмий тадқиқот дастури концепцияси виртуалистика фани парадигмасининг эвристик жиҳатлари ва структурасини тадқиқ қилишда методологик ёндашув ролини ўйнаш имкониятига эга.

Полани концепциясига кўра фанда бевосита изланиш натижаларида (ғоялар ва назарияларда) ифодаланмаган, лекин тадқиқотчининг индивидуал шахсиятига тегишли ҳислатлар - мақсадга йўналтирилган фаоллик, тўпланган тажриба, малака, эмоционал эҳтирослар, эксперимент ўтказиш маҳорати, ижодий фикрлаш санъати каби субъектив омиллар ва унсурлардан ташкил топган қатлам мавжуддир. Мазкур қатлам М.Полани концепциясида «шахсиятли билим» ва «ноошкора билиш» тушунчаларида умумлаштирилади ва ифодаланади. Ундаги виртуаллик ғояни шундан иборатки, ноошкора (бевосита «кўриниб» турмайдиган, намоён бўлмайдиган) билим сифатида шахсиятли билимда виртуал ва констант маъно-мазмунларнинг мураккаб нисбати мавжуд.

Шундай қилиб, М.Поланининг шахсиятли билим концепциясини виртуалистик ёндашув нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилиш фан

эпистемологияси учун истиқболли бўлган муаммоларни қўйиш имкониятини беради.

Илмий ижодиёт эпистемологиясида виртуаллик ғоясининг шаклланиши постноклассик виртуалистик тадқиқотда объект ва билиш муаммосининг эпистемологик таҳлили берилган.

Ҳозирги вақтда фалсафанинг барча таркибий қисмларида бўлганидек, эпистемологияда ҳам жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай ўзгаришларнинг мазмуни ва йўналишига постноклассик фанлар, шу жумладан, шаклланаётган виртуалистика фани катта таъсир кўрсатмоқда. Амалга ошаётган парадигмал, концептуал ва услубий ўзгаришларда иккита гносеологик жараёни фарқлаш лозим: 1) умумфалсафий постноклассик эпистемологиянинг шаклланиши, унда янги парадигмал структуранинг ҳосил бўлиши; 2) постноклассик фанларнинг (шу билан бирга, виртуалистиканинг) эпистемологик муаммоларининг қўйилиши, муҳокама қилиниши. Ҳар иккала жараён ҳозирги замон илмий тафаккур жабҳасида янги эпистемологик вазиятни келтириб чиқармоқда.

Олдинроқ, яъни XX асрни иккинчи ярмида бир-биридан мустақил равишда фан ва техниканинг бир нечта соҳаларида виртуаллик ғояси вужудга келди. Виртуал объектлардан ташкил топган виртуаллик оламига кириш ва уни тадқиқ қилиш бошланди. Физикада виртуал заррачалар, метеорологияда виртуал ҳарорат, эргономикада виртуал ҳолат, психологияда виртуал қобилият, санъатшуносликда виртуал театр, антропологияда виртуал инсон, компьютер технологиясида компьютерли виртуал реаллик ва бошқа тушунчаларни ишлаб чиқиш виртуалистик билиш объекти устида эпистемологик рефлексияни амалга ошириш имкониятини бермоқда.

Виртуалистика фанининг ҳозирги босқичида тадқиқот объекти ва предмети, унга доир атамалар мажмуаси (масалан, виртуалистика бўйича луғат тузиш¹), унинг институционал, тармоқлараро, ва фалсафий мақомларини аниқлаш долзарб муаммо бўлиб турибди.

Виртуалистикада мавжуд бўлган эпистемологик ҳолат шундан иборатки, виртуаллик оламига оид билимлар моноонтик эмас, балки полионтик асосга эга бўлиши боис, умумий тузилиш жиҳатидан виртуалистик билим полиморфик кўринишни билдиради.

Рус файласуфи Н.Ф.Овчинников ўз вақтида фанга «билим полиморфизми» тушунчасини киритган. Бу эпистемологик тушунча илмий билиш шакллари, даражалари ва структураларининг кўп хиллиги феноменини ифодалайди². Бунда билим полиморфизми билимлар синтезини тақозо этадиган тармоқланиш ҳодисасидан фарқ қилиб, билимнинг турли шаклларида (шахсиятли ва ижтимоий, структуравий ва функционал, эмпирик ва назарий, мушоҳадали ва методологик, эҳтимолли ва исботланган ва бошқалар) иборат бўлган кўп қатламли эпистемологик тузилма сифатида ўзини намоён этади. Худди шу тарзда виртуалистик билим ҳам полиморфик хислатга эга бўлиб, унда назарий,

¹ Носов Н.А.Словарь виртуальных терминов //Труды лаборатории виртуалистики. Вып.7. –М.:Путь, 2000.С. 69.

² Овчинников Н.Ф. Симметрия и полиморфность знания // Методологические аспекты взаимодействия общественных, естественных и технических наук. – М., 1978. - С. 216-219

амалий, концептуал, модели, услубий, фалсафий катламлар параллел, горизонтал, вертикал ва иерархик муносабат ва алоқаларда бўлади.

Виртуалистик билимда ҳар бир эпистемологик қатлам аттрактор ролини ўйнаб, тадқиқотнинг концептуал ва тажрибавий тавсифларини ўзига тортади, комплекс билим тузилмалари ҳосил бўлади.

Виртуалистик билимнинг қайд этилган хислатлари унда постноклассик эпистемологик тузилманинг шаклланиб боришидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, виртуалистик билим ҳали олдпарадигмал шаклланиш босқичида туриб, виртуаллик феномини хусусида, бир томондан, назарий тузилмаларни ишлаб чиқиш, иккинчи томондан, маълумотлар банкининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши давом этмоқда. Эпистемологик таҳлил шуни кўрсатдики, виртуалистикада объект – субъект – назария – эмпирик базис – амалиёт тизимининг шаклланиши дастлабки босқичда турибди. Демак, виртуалистиканинг эвристик потенциали ва парадигмал истиқболи катта.

Диссертациянинг «Постноклассик ижодиёт эпистемологиясида виртуаллик муаммоси» деб номланган учинчи бобида ижодиёт ва виртуал реаллик муаммосининг эпистемологик таҳлил предмети сифатидаги ўрни, хусусияти ва эвристик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

Ўтган асрларда ижод муаммоси назарий ва фалсафий масала сифатида ахён-ахёнда олимлар ва мутафаккирларни қизиқтириб келган. XX асрдан бошлаб жаҳон цивилизацияси тараққиётининг янги босқичга кўтарилиши, моддий ва маънавий қадриятларнинг ишлаб чиқарадиган инфраструктуралар фаолияти жадаллашиб, конвейрли тус олиши жараёнида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида ижодий меҳнат билан шуғулланадиган кишилар, ижтимоий уюшмалар ва ташкилотларнинг доираси ва миқёси кенгайиб кетади, ижодий башорат, лойиҳалаштириш ва бунёдкорлик қилиш оммавий касб ва фаолиятга айланди.

Ижодиётнинг моҳияти, намоён бўлиш шакллари ва жараёнлари хусусида турли фалсафий ва махсус илмий ғоялар, назарий-концептуал моделлар йўқ эмас¹. Лекин ижодиётнинг моҳияти, ундаги рационал ва нораціонал, синергетик ва виртуаллик, инновацион ва циклик жиҳатларини бир бутун ҳосила (феномен) сифатида тушунтириб берадиган назарияни ишлаб чиқиш ҳали кун тартибиде турибди.

Виртуалистикада олиб борилаётган тадқиқотлар, тадқиқот натижаларини фалсафий-методологик ва эпистемологик умумлаштириш шуни кўрсатадики, ижод ва виртуаллик универсал, кўп сифатли билиш объекти бўлиши билан бирга, улар ўзаро боғланган феноменлар эканлиги аниқланмоқда.

Ижод сифат, шакл ва мазмун такомиллиги жиҳатидан ажралиб турадиган янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишдир. Ижоднинг асосини тафаккур жараёни ташкил қилади. Бу жараённинг психологик ва гносеологик томонлари мавжудлигини ҳисобга олишимиз лозим.

Психологик образли виртуалларнинг бирлашиши (қўшилиши, тизимланиши, умумлаштирилиши ва ҳоказо) оламнинг субъектив манзарасини ҳосил

¹ Азизкулов А.А., Қўшоқов Ш.С. Илмий ижодиёт: фалсафий ва илмий-назарий муаммолар.- Самарқанд: СамДУ, 2003.45-50 б.

қилади. Бу манзаранинг манбаи констант реаллик мақомига эга бўлган воқелик, мавжудликдир.

Виртуаллик объектив ва субъектив оламнинг унсурлари бўлган ҳиссий образлар, тасаввурлар ва тушунчаларда виртуаллик ва константлик бирлиги мужассамланган. Образларнинг виртуаллиги эса ижодий тафаккурнинг асоси ва манбаини ташкил қилади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ижоднинг виртуалистик талқини, унинг виртуал моделини яратиш ижодиёт эпистемологиясининг истиқболий келажагидир.

Илмий ижодиёт циклларида виртуаллик ва констант (доимий) реаллик илмий ижодиёт жараёнининг вужудга келиши ва унда виртуалликнинг номоён бўлиши, виртуаллик ва ижод, уларнинг ўзаро таъсири масаласи етарли ўрганилмагани эпистемологик муаммо бўлиб турибди.

Илмий ижодиёт олдин маълум бўлмаган объектлар, хоссалар ва қонуниятларга оид янги ғоялар, кашфиётлар ҳамда лойиҳалар, сунъий тузилмалар ва моделларни яратишдан иборат бўлган мураккаб руҳий эмоционал жараёндир. Ижодиёт жараёнида олим ва ихтирочи кўп қиррали, кўп қатламли виртуал фазо, ҳолат ва ҳодисаларга дуч келади, виртуаллик хислатига эга бўлган тасаввурлар, ғоялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқади.

Ижодий фаолиятнинг муҳим қонуниятларидан бири циклик (даврийлик) қонуниятидир. Бу қонуният ижод қилиш жараёни босқичларида ўз ифодасини топади. Ижодиёт босқичларида эса такрорий ва бетакрор жараёнлар, фаолият усуллари ўрин алмашиб туради.

Такрорий жараёнлар ва унсурлар констант реалликни билдириб, асосан илмий-тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган ИТИ режаси, ахборот массиви, лаборатория, усуллар ва воситалар мажмуасидан иборатдир. Бу ерда констант реаллик «нақд» бор нарса маъносини англатади. Илмий муаммонинг қўйилиши эса бўлажак кашфиёт ёки янги ғоянинг виртуал реаллигини билдиради. Бунда иккиламчи виртуалликни кузатиш мумкин: а) муаммонинг қўйилиши тадқиқотнинг виртуал моделини билдиради; б) бир виртуал реаллик бошқа виртуалликни келтириб чиқаради. Муаммо янги ғоянинг «дони», яширинган мавжудликдир. Тадқиқот жараёнида «дон» ўз ҳосилини беради.

Илмий тадқиқот объекти, ўз навбатида икки турдаги реаллик – констант ва виртуал реаллик бирлигини намоён этади. Тадқиқот дастури доирасига кирмаган, лекин ўрганилиши лозим бўлган нарса ёки ҳодиса констант реалликни (субъективликдан ташқарида, мустақил, ўзича доимий мавжудликни) билдиради. Тадқиқот дастури доирасига кирган ва тавсифланган объект маълум даражада виртуаллик хислатига эга бўлади. Виртуаллик хислати, айниқса, математик тадқиқот объектида, изланиш объекти моделларида яққол намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, компьютер технологияси тараққиёти ижодий фаолият учун мисли кўринмаган инновацион усул ва воситани бермоқда. Энди онгли ва онг ости ижодий-синергетик жараёнларни компьютерда дастурлаштирилган виртуал реаллик тизимлари ёрдамида моделлаштириш имконияти пайдо бўлди. Компьютер ва голограмма технологияларини бирлаштириш эса

муаммолар ва ижодий ечимлар моделини Минковскийнинг виртуал тўрт ўлчовли оламида гавдалантириш истиқболлини беради.

ХУЛОСА

1. Эпистемологияда виртуаллик муаммоси масаласини тадқиқ қилиш ва унинг изланиш предметини ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш, фундаментал тушунча ва тасаввурларни қайтадан кўриб чиқиш, ундаги назарий-ғоявий ворислик динамикасини фалсафий-тарихий, онтологик ва эпистемологик ёндашув асосида тадқиқ қилиш янги назарий-методологик ёндашувни ишлаб чиқишга олиб келади.

2. Виртуалистик ёндашув эпистемологиянинг моҳияти ва кўп қиррали томонларини мумкин қадар тўла ва бир бутун тасвирлаш имкониятини беради. Буюк аллома ва олимларнинг илмий ва ижодий изланишларини таҳлил қилиш буни тасдиқлайди.

3. Илмий билиш муаммосига виртуалистик ёндашув, унинг тарихий типлари ўртасидаги боғланишлар ғоявий ворисликнинг намоён бўлишини кўрсатади.

4. Ҳозирги замон фалсафада эпистемологиянинг эвристик ва инновацион жиҳатларини очиб бериш муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса, бу постноклассик эпистемологияда виртуалликнинг онтологик, гносеологик ва методологик муаммоларини тадқиқ қилишга тегишлидир.

5. Виртуалистика фалсафасига оид мулоҳаза предмети олам ва инсон интервалидаги муаммога чуқур кириб боришни тақозо этади. Илмий билишнинг тарихий шакллари ўртасида ғоявий ворисийлик эпистемологик ва методологик тадқиқотнинг самарали бўлишини белгилайди.

6. Ижодиёт концепциясини виртуалистик назария тушунчалари ва тамойиллари нуқтаи назарда кўриб чиқиш: а) янги муаммоларни қўйиш; б) ижодиёт механизмини маълум бўлмаган хосса ва қирраларини англаш имкониятини беради.

7. Ижодиётнинг виртуаллик хислатларини тадқиқ қилиш жараёнида постноклассик эпистемология парадигмаси таркибига янги тушунча, ғоя ва тасаввурлар, яъни виртуал образ, виртуал модель, виртуал креативлик, семантик виртуал ва бошқа концептуал унсурлар кириб бормоқда.

8. Рухият ва онг табиатан виртуаллик хислатига эга бўлгани боис, билишдаги субъект ва объект муносабатлари, улардаги виртуаллик ва констант реаллик нисбати ва, ниҳоятда, билиш жараёнини ўзи бевосита ва билвосита жараёнлар ва омиллар муҳитида мураккаблашиб кетган.

9. Ижодиёт цикллариининг виртуаллик жиҳатларини ўрганиш билиш жараёни ва унинг босқичларини янги моделини ишлаб чиқиш имконияти ва истиқболлини очиб бермоқда.

10. Постноклассик эпистемология янги парадигмал мақомга эга бўлган муаммо ва уни ечишга қаратилган ёндашувга эга бўлмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НОРМАМАТОВА МАХСУДА НУРМАМАТОВНА

**ИДЕИ ПОСТНЕКЛАССИЧЕСКОЙ ЭПИСТЕМОЛОГИИ В
ВИРТУАЛИСТИКЕ**

09.00.01 - Онтология, гносеология и логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2018

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fal14

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице samdu.uz и на информационном образовательном портал “ZiyoNet”. (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Кушаков Шухрат Солиевич
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шермухаммедова Нигина Арслановна
доктор философских наук, профессор

Саломова Хакима Юсуповна
доктор философских наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный университет

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2018 г. в _____ часов на заседании ученого совета DSc.27.06.2018.F.02.02. при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет, исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного университета (зарегистрирована за №____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года (протокол реестра №_____ от «_____» _____ 2018 года).

Б.О.Тураев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

О.М.Гайбуллаев

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., доц.

С.К.Каримов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., доц.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ускорение процесса информатизации в мире обусловило возникновение современного исследовательского направления, получившего название «виртуалистика». В связи с этим возникает потребность в адекватной интерпретации понятий и принципов, закономерностей и тенденций развития виртуалистики, сформировавшейся за последнее десятилетие XX века. Именно по этой причине возникла потребность в изучении виртуалистических знаний с точки зрения современной постнеклассической философии., Философские заключения и результаты, полученные в процессе такого исследования, послужат методологической основой виртуализации общественной жизни, производства и системы образования, исследовании ее позитивных и негативных аспектов.

В мире все более усиливается необходимость в изучении виртуалистики и ее возможностей на основе гносеологических закономерностей современной философской науки. В данном исследовании показано значение изучения особенностей виртуальной реальности с позиций эпистемологии для решения сложных научно-концептуальных проблем современности, формирования идеологического иммунитета у молодежи, национальном самосознании человека. Данное исследование служит теоретической основой для философской интерпретации научной сущности феномена виртуалистики, ее категорий и принципов.

В Узбекистане сегодня происходит информатизация общества, широкое внедрение информационных технологий в общественную жизнь и производство, что создает возможность всесторонней виртуализации человеческой деятельности, то есть начала широкого диалога человека с виртуальной реальностью. В этой связи возникает необходимость философского анализа проблем «виртуальной реальности» и «виртуального бытия», связанных с ними понятий и представлений. В таком контексте усиливается феномен виртуализации искусства и культуры, образования и здравоохранения, в системах социальной защиты, науки и техники, информационных ресурсов и других сфер общества, а также расширяется охват виртуальных систем. В целях эффективного использования таких систем роль методологического основания для разработки проектов и технологических планов интенсификации процесса виртуализации общества будут играть рекомендации, выработанные в рамках настоящего исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» (07.02.2017), в пункте 2.2. (совершенствование системы «Электронное правительство»), Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №07/02-08 «О повышении эффективности духовно-просветительской работы и поднятии на новый уровень развитие сферы» (2017) и других нормативно-правовых актах.

Связь исследования с приоритетными направлениями науки и типологии республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением фундаментальных исследований по развитию науки и технологий республики на тему «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Проблема феномена виртуальности, его места в познании и практике на протяжении веков была в центре внимания философов. Платон, Аристотель, Фараби, Ибн Сина, Николай Кузанский, Д.Юм, И.Кант, Г.Гегель, А.Бергсон, А.Арто и другие мыслители анализировали понятия возможности, потенции, виртуальности, их теоретическое и категориальное содержание в рамках классической и неклассической философии.

В ходе становления виртуалистики как науки возникли постнеклассические проблемы эпистемологии этой науки, которые вошли в круг философских изысканий, стали предметом серьезных исследований и разработок. Первоначальные основы науки виртуалистики были заложены российскими учеными Н.А.Носовым и О.И.Генисаретским¹.

В западных научных и технологических центрах основной упор был сделан на изучении виртуальной реальности, возникающей в системах «человек – компьютер» и сети Интернет, социальных и психологических последствиях взаимосвязи и взаимодействии с данной реальностью.²

На современном этапе развития виртуалистики актуальной эпистемологической проблемой являются объект и предмет исследования, составление словаря виртуальных терминов³, определение ее институционального, межотраслевого и философского статуса.

Что касается философской составляющей данной науки, то наиболее проработанным направлением является онтология виртуальности⁴. Проводятся также исследования по эпистемологии виртуальности, но в большинстве своем они осуществляются на основе гносеологических подходов и принципов неклассического характера, а не на основе постнеклассической эпистемологии⁶.

¹ Носов Н.А., Генисаретский О.И. Виртуальные состояния в деятельности человека-оператора // Труды Гос НИИ гражданской авиации. Авиационная эргономика и подготовка летного состава. Вып.253. - М.,1986. – С.147-155; Носов Н.А. Манифест виртуалистика // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 15. - М.: Путь, 2000.

² Helm Michel. The MeTaphysics of virtual reality // Virtual reality, practice and promise Westport and London. 1991.- P. 27-33; Hammet F. Virtual reality and the exploration of cyberspeicl. Carmel Indiana Sams Publishing N.Y. 1993; Schrosder R. Possibl worlds. The social west view Press, 1996-203 P: Turkle. Sh .Perallex lives: working on identity in virtual spocs // Constricting the sele in a mediatel world: inquiries in social constraction . Sh . Turkle. NY . 1996. P. 154-175.

³ Носов Н.А. Словарь виртуальных терминов // Труды лаборатории виртуалистики. Вып. 7. – М.: Путь, 2000. –С 69.

